

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Билал розияллоҳу анҳуга азонни жуфт айтиш, иқоматни «қод қоматис-солаҳ»дан бошқасини тоқ айтиш амр қилинди».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳанафий мазҳабидан бошқа мазҳаблар шу ҳадисга амал қилиб, иқоматни тоқ айтадилар.

Аммо Ҳанафий мазҳаби бошқа ҳадисни ҳужжат қилиб олган. Аллоҳ хоҳласа, уни бир оздан кейин ўрганамиз. Ҳозир эса азоннинг қайси кайфиятда айтилишини ўрганайлик.

Имом Абу Довуднинг Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳудан қилган ривоятида келган, у киши тушида кўрган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тасдиқлаган азон ҳозирги кунимизда ҳамма ёқда айтилаётган азондир;

«Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар,

Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар,

Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ,

Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ,

Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулуллоҳ,

Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулуллоҳ,

Ҳайя ъалас-солаҳ, Ҳайя ъалас-солаҳ,

Ҳайя ъалал фалаҳ, Ҳайя ъалал фалаҳ,

Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар,

Лаа илааҳа иллаллоҳ».

Ушбу калималарнинг маънолари қуйидагича:

«Аллоҳу Акбар»

Аллоҳ улуғдир. Аллоҳ ҳар нарсадан буюқдир. У Зот ўзига нисбат берилган номуносиб нарсалардан улуғдир.

«Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ»

Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ, деб гувоҳлик бераман.

«Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулуллоҳ»

Муҳаммад Аллоҳнинг Расули эканлигига гувоҳлик бераман.

«Ҳайя ʼалас-солаҳ»

Намозга шошилилар.

«Ҳайя ʼалал фалаҳ»

Нажотга шошилилар.

Қолган калималарнинг маънолари ҳаммамизга маълум.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Билол розияллоҳу анҳуга ва Абу Маҳзурага:

«Қачонки Бомдод азони бўлса, «Ас-солату хойрум минан-навм»ни айтасан, деб ўргатганлар. Ривоятларда келишича, у икки марта айтилади.

Дора Қутний, Аҳмад ва Абу Довудлар ривоят қилганлар.

Иқомат Ҳанафий мазҳаби бўйича худди азоннинг лафзлари билан айтилади. Фақат «Ҳайя ʼалал-фалаҳ»дан кейин икки марта «Қод қоматис-солаҳ» – «Намоз қоим бўлди» жумласи қўшилади.

Иқомат масжидга ёки жамоат намозига йиғилиб турганларга фарз намоз ўқиш бошланаётганини билдириш вазифасини ўтайди. Ёлғиз ўқиётган киши иқомат айтса ҳам яхши бўлди.

Барча ҳолатларда иқомат айтиш суннати муаккададир. Азонни чўзиб, иқоматни тезлаб айтиш ҳаммага маълум. Азон айтиш ҳам суннати муаккада ҳисобланади. Қайси бир жамоа, қишлоқ ёки шаҳар келишиб, азон айтишни тарк қилсалар, улар Исломнинг шиори бўлган энг муҳим нарсалардан бирини инкор қилган ҳисобландилар ва гуноҳкор бўладилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.